



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA
QARSHI KURASHISH QO'MITASI HUZURIDAGI
ISTE'MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI

CONSUMER PROTECTION AGENCY
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53
Ishonch telefoni: 1159, Sayt: consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz, e-xat: consumer@exat.uz

“01” апрель 2021 й. № 02-06/1570

**Ташқи реклама объектлари
(конструкциялари) эгалари, ташқи
реклама билан шуғулланувчи
реклама агентликлари**

Нусхаси:

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар ҳокимликлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида” 2020 йил 20 февралдаги 104-сон қарори билан ташқи реклама объектлари (конструкциялари) жойлаштириш бўйича тартиблар тасдиқланган.

Жумладан, ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) қуриш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ қуйидагилар белгиланган:

Ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ва ахборот маълумотларини бино, иншоот ёки уларнинг мажмуасида (том, фасад, деворлар) ўрнатиш биноларнинг меъморий элементларига, меъморий ечимларига, шаҳарсозлик ва ушбу биноларнинг мулкдорларига зиён етказмасдан амалга оширилиши, уларнинг барча ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмаслиги, аҳолининг тўлақонли яшаш муҳити, тарихий ва маданий мероси ва меъморий ландшафтини сақлаш ва шакллантиришга ҳисса қўшиши керак.

Бинолар, конструкциялар, ёки уларнинг мажмуалари (том, фасад, деворлар) юзасига ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш жорий даврда ушбу объектларни ўз балансида сақловчи шахс билан келишилган бўлиши керак (16-банд).

Корхоналар, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорларнинг ахборот воситалари — манба сифатида юридик шахслар ва хусусий тадбиркорларнинг ўзлари томонидан ўзларига тегишли ахборот воситаларида тарқатадиган ахборот.

Бунда, воситанинг ўлчами 2 кв. метрдан ошмаслиги лозим.

Бошқа фото ва матнли маълумотлар, ўзга товар белгиларининг ёки логотипларнинг мавжудлиги реклама сифатида кўрилади, бу ҳолда реклама жойининг паспорти расмийлаштирилади ва тегишли йиғимлар ундирилади (42-банд).

Хусусий бино (иншоот) эгалари бино, иншоот ёки уларнинг мажмуасига (том, фасад, деворлар) ташқи реклама объектларини (конструкцияларни) “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдони орқали электрон аукцион савдоси жараёнларидан ўтмасдан туриб, Давлат хизмат кўрсатиш марказлари орқали паспорт олиш ҳуқуқига эгадирлар (50-банд).

Шунингдек, ташқи реклама объектлари (конструкциялари) хавфсизлигининг умумий техник регламенти талабларига мувофиқ, ташқи реклама ва унинг

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: VC46238871

воситаларини номувофиқ техник ҳолатда бўлиши, бинолар (иншоотлар) ташқи архитектура кўринишини бузилишига йўл қўйилмайди (37-банд).

Ўрнатилган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун тўлов миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 12-банди, “б” кичик бандида, бинолар, иншоотлар ва қурилмалардаги реклама конструкциялари, жумладан, бинонинг ташқи қисмида жойлаштирилган конструкциялар, биноларнинг том қисмларидаги конструкциялар — меъморий шакл (хайкаллар), том усти ёруғли реклама конструкциялари, майдони 2 кв. метр ва ундан ортиқ бўлган йирик конструкциялар учун йиғимлар тўланиши белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, хусусий бино (иншоот) эгалари томонидан бинолар, конструкциялар ёки уларнинг мажмуалари (том, фасад, деворлар) юзасига майдони 2 кв. метр ва ундан ортиқ бўлган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) ўрнатилганда, мазкур ташқи реклама объектлари (конструкциялари) белгиланган тартибда паспортлаштирилади ва улар учун йиғимлар тўланади.

Шуниндек, ушбу ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун паспортлар расмийлаштиришда, ташқи реклама объектлари (конструкциялари) биноларнинг меъморий элементларига, меъморий ечимларига, тарихий, маданий мероси ва меъморий ландшафтига, шаҳарсозлик нормалари ва ушбу биноларнинг мулкдорларига зиён етказишига йўл қўймаслик ҳолатлари эътиборга олинади.

Директор ўринбосари



А.Қурбонов